

## «Зикр аҳлидан сўранг» иловасининг янги нашрлари



12:14 / 19.09.2018 7331

Ассалому алайкум!

Islom.uz портали «Зикр аҳлидан сўранг» иловасининг Android ва iOS қурилмалари учун янги нашрларини эътиборингизга ҳавола қилади.

**Илованинг Android қурилмасининг янги нашрида қуйидаги ўзгартиришлар амалга оширилди:**

- излаш хизмати қўшилди;
- «менинг саҳифам»да шахсий саволларни кўриш имконияти қўшилди;
- чап менюга бош саҳифа қўшилди;


- баъзи мавжуд камчиликлар бартараф этилди;
- сана формати тўғирланди;
- архив саволларни ҳавола орқали очиш имконияти пайдо бўлди;
- дизайн янада такомиллаштирилди.

Иловани Play Market`дан қуйидаги ҳавола орқали юклаб олишингиз мумкин:

<https://play.google.com/store/apps/details?id=uz.islom.savollar>

Мурожаат учун электрон манзил: [admin@islom.uz](mailto:admin@islom.uz)

Image not found or type unknown



**Илованинг iOS қурилмасининг янги нашрида қуйидаги ўзгаришлар амалга оширилди:**

- тизимга кириш, рўйхатдан ўтиш, саволларни кўриш тезлашди;
- офлайн/онлайн режимлари киритилди. Офлайн бўлимига 2014 йилгача бўлган саволлар, хусусан Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

ҳазратлари жавоб берган барча саволлар киритилди. Онлайнда кўрилган саволларни интернетсиз (оффлайн) ҳолатда ҳам кўриш имконияти қўшилди;

- дастурни бошқаларга улашиш функцияси қўшилди;
- янгиликлар бўлими қўшилди;
- дастур бўйича техник ёрдам сўраш имкони пайдо бўлди;
- фойдаланувчиларга зарур ҳолларда хабар жўнатиш имконияти қўшилди;
- дастур дизайни янада такомиллаштирилди;
- қидириш хизматига ў, қ, ғ, ҳ, ҳарфлари қўшилди;
- мақбул бўлган саволларни алоҳида сақлаб қўйиш имконияти пайдо бўлди.

Иловани App Store`дан қуйидаги ҳавола орқали юклаб олишингиз мумкин:

<https://itunes.apple.com/ru/app/зикр-аҳлидан-сўранг/id1173324226>

-

Мурожаат учун электрон манзил: [ios.support@islom.uz](mailto:ios.support@islom.uz)